

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16937233>

И.И.Иброхимов

Фарғона вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси

ЎМИБ терговчиси, капитан

Маълумки бугунги кунда кибер хавфсизлик ва болалар мавзусининг долзарблиги шундаки, болалар интернетдан фойдаланишни жуда эрта бошлашмоқда. Уларнинг онлайн фаолияти хавфсизлигини таъминлаш муаммоси бугунги кунда жуда муҳим, сабаби улар бизнинг келажак авлодимиз, эртанги кунимиз.

Ҳозирги ривожланиб бораётган замонда болаларга таҳдид солувчи 3 та асосий кибер хавфлар мавжуд бўлиб, улар:

1. Онлайн таҳдидлар: кибербуллинг (кибер безорилик), фишинг, аслида мавжуд бўлмаган сохта шахслар орқали алдаш.

2. Номуносиб контент: зўравонлик, порнография, экстремизм ва бошқалар.

3. Шахсий маълумотларни ноўрин, беҳабар ёки рухсатсиз тарқатиш кабилардир.

Кибербуллинг (Cyberbullying) бу ўқувчилар ўртасида виртуал муаммолар, таҳдид ва ҳақоратлар орқали руҳий зиён етказиш ҳолатларидир. Болаларда асосан ушбу кибербуллинг виртуал ўйинлар орқали юзага келади. Ҳаттоки, ушбу виртуал ўйинлар орқали болалар зомбига айланиб, ўзларининг хатти-ҳаракатларини тушуна олмайдилар, ўз жонига қасд қилишлар ёки бошқаларни жонига қасд қилиш каби жараёнларга ҳам олиб келади. Бу жараён кўпинча ота-она, ўқитувчи ёки мураббийлардан яширин ҳолатда кечади.⁴

Ушбу жараёндан болаларни ҳимоя қилишнинг қўйидаги усуллари мавжуд:

1. Парентал назорат (ота-оналар назорати) дастурларини ўрнатиш.

2. Интернетда шахсий маълумотлар билан эҳтиёт бўлиб ишлашни ўргатиш (иложи борича шахсий маълумотлар юкланган гажетлардан фойдаланмаслик, болалар учун махсус шахсий қурилмалардан фойдаланиш).

3. Болалар учун мос ва хавфсиз онлайн платформаларни танлаш.

4. Вақт ва фойдаланиш чегараларини белгилаш.⁵

Бу жараёнда болаларнинг хавфсизлигини таъминлашда биринчи навбатда ота-оналарнинг роли муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, интернет ижтимоий тармоғидан

⁴ С.Ҳиндуҷа ва Ж.Пэтчин (2021). Кибербуллинг: Аниқлаш, олдини олиш ва чора кўриш. Кибербуллинг тадқиқот маркази. <https://cyberbullying.org>

⁵ Халқаро Телекоммуникация Иттифоқи. (2020). Болаларни интернетда ҳимоя қилиш бўйича қўлланма. ITU нашриёти. <https://www.itu.int/en/ITU-D/Cybersecurity/Pages/COP.aspx>

фойдаланаётган ҳар бир болаларнинг ота-оналари фарзандлари билан очиқ мулоқот қилиши, интернетда нима қилаётганини билиш, лекин назоратни зўравонлик даражасига олиб бормаслик, болаларга “Рақамли гигиена (цифровая гигиена)” асосларини ўргатишлари лозим.

Иккинчи навбатда ота-оналар билан бир қаторда мактаб ва таълим муассасаларининг ҳам бу борада вазифаси катта. Мактаб ва таълим муассасаларида кибер хавфсизлик бўйича дарслар, машғулотлар ўтказиш, бунда ўқитувчиларни ҳам тайёрлаш ва хабардорлик даражасини ошириш, мактаб Wi-Fi ва компьютерларини хавфсиз режимда ишлатиш чораларини кўриш шарт.⁶

Келгусида келажак авлодни турли хилдаги кибер хужумлардан сақлаш мақсадида 1.Сунъий интеллект орқали номақбул контентни автоматик филтрлаш тизимини яратиш;

2.Хавфсизликни таҳлил қилувчи болалар учун мўлжалланган мобил иловалар ишлаб чиқиш;

3.“Digital citizenship”, яъни рақамли фуқаролик тарбиясини жорий этиш каби тенденциялар ва инновацион ечимларни ҳаётга татбиқ этиш лозим бўлади.⁷

Хулоса қилиб айтганда, болалар бу – келажак авлод, уларнинг етук билим ва тарбия олишлари давлатнинг эртанги куни, унинг келажаги демақдир. Шу сабабли, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаро бу борада ўзининг масъулиятини ошириши шарт ва лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, 11.12.2003 йилдаги ЎРҚ-560-ИИ-сон.

2.Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» Қонуни, 15.04.2022 йилдаги ЎРҚ-764-сон.

3.Халқаро Телекоммуникация Иттифоқи. (2020). Болаларни интернетда ҳимоя қилиш бўйича қўлланма. ITU нашриёти. <https://www.itu.int/en/ITU-D/Cybersecurity/Pages/COP.aspx>

4. ЮНИСЕФ (2017). Рақамли дунёда болалар: Болалар аҳволи тўғрисида 2017 йил ҳисоботи. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Болалар жамғармаси. <https://www.unicef.org/reports/state-worlds-children-2017>

5. С.Ҳиндужа ва Ж.Пэтчин (2021). Кибербуллинг: Аниқлаш, олдини олиш ва чора кўриш. Кибербуллинг тадқиқот маркази. <https://cyberbullying.org>

⁶ ЮНЕСКО (2021). Болалар учун рақамли технологиядан хавфсиз фойдаланиш бўйича сиёсатчилар учун қўлланма.

⁷ ЮНИСЕФ (2017). Рақамли дунёда болалар: Болалар аҳволи тўғрисида 2017 йил ҳисоботи. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Болалар жамғармаси. <https://www.unicef.org/reports/state-worlds-children-2017>

6. ЮНЕСКО (2021). Болалар учун рақамли технологиядан хавфсиз фойдаланиш бўйича сиёсатчилар учун қўлланма. БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти.

7. Google. (сана кўрсатилмаган). Google Family Link – Оила аъзоларининг соғлом рақамли одатларни шакллантиришига ёрдам беринг.
<https://families.google.com/familylink/>